

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қоида тарикасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари халқаро парламент ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиришни амалга оширади, бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиради, парламентлараро дипломатияни ривожлантиришни амалга оширади, халқаро шартномаларнинг ҳукумат томонидан бажарилишини назорат қилишга доир ишларни ташкил этади, шунингдек вазифалар тақсимотига биноан ташкилий ва бошқа вазифаларни бажаради.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топширигига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради.

Қонунчилик палатасининг Спикери йўқлигида ёки у ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, у йўқлигида эса Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларидан бири бажариб туради».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **32-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери ва Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас»;

2) **9-модданинг бешинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери ва Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ва фракция таркибига кириши мумкин эмас»;

3) **15-модданинг: иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда қўриб чиқиш чоғида уни қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиялаштириш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Биринчи ўқишдаги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза билан, қоида тарикасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили, кейинги ўқишларда эса масъул қўмита вакили сўзга чиқади.

Масъул қўмита биринчи ҳамда кейинги ўқишларда фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиши шарт.

Фракцияларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари мажбурий тарзда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим»;

ўн иккинчи қисмдаги «боблар ёки бўлимлар бўйича» деган сўзлар «боблар ёки бўлимлар бўйича, шунингдек бир неча моддалар бўйича бир вақтнинг ўзида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **32-модданинг еттинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Парламент сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

5) **32¹-модданинг иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатаси депутатининг сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

6) **33¹-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«33¹-модда. Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш

Қонунчилик палатаси зарур бўлган ҳолларда ўзининг мажлисида ҳукумат аъзоларининг давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисидаги масала фракциялар ташаббусига қўра Қонунчилик палатаси томонидан қўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда йилгига икки марта эшитида. Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисида Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади. Ҳукумат аъзоларини эшитиш тўғрисидаги Қонунчилик палатаси қарори олдиндан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви

органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш тўғрисидаги қарори эса тегишли давлат органига, ҳўжалик бошқаруви органига юборилади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда тегишинча ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қарори эса тегишли давлат органига, ҳўжалик бошқаруви органига юборилади»;

7) **33⁶-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига даҳл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатасининг қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда куйидагиларга ҳақли:

давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг вакилларини, мутахассисларни, экспертларни ва олимларни комиссия ишига жалб этишга;

давлат органларидан, ҳўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олишга;

давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф этишга.

Комиссия Қонунчилик палатасининг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган ишлар тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан белгиланган муддатда уни хабардор қилади.

Парламент текшируви Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан ҳам ўтказилиши мумкин».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 2, 47-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 12, 884-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **31-модданинг еттинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Парламент сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

2) **31¹-модданинг иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Сенатор сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

3) **32¹-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«32¹-модда. Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш

Сенат зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан қўмиталарнинг ташаббусига қўра қўриб чиқилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазирининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотини Халқаро муносабатлар, ташки иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда йилгига икки марта эшитида.

Сенат ҳар йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда эшитида.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисида Сенат қарор қабул қилади. Ҳукумат аъзоларини эшитиш тўғрисидаги Сенат қарори олдиндан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш тўғрисидаги қарори эса тегишли давлат органига, ҳўжалик бошқаруви органига юборилади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, унда тегишинча ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган Сенат қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қарори эса тегишли давлат органига, ҳўжалик бошқаруви органига юборилади»;

4) **32⁷-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига даҳл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Сенатнинг қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин.

Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда куйидагиларга ҳақли:

давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг вакилларини, мутахассисларни, экспертларни ва олимларни комиссия ишига жалб этишга;

давлат органларидан, ҳўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олишга;

давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф этишга.

Комиссия Сенатнинг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган ишлар тўғрисида Сенат томонидан белгиланган муддатда уни хабардор қилади.

Парламент текшируви Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан ҳам ўтказилиши мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»**ги 704–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 588-модда, № 12, 880-модда) **10-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутат давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тарикасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан, сенатор эса тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нўқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

Давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат, сенатор сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб беради. Депутат ёки сенатор сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»**ги 706–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда) **8-моддасининг иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Депутат сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган **«Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қиритиш тартиби тўғрисида»**ги УРҚ–60-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 5, 261-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқоя Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қонунчилик палатасида ўзи киритган қонун лойиҳаси қўриб чиқилаётганда иштирок этиш учун, шу жумладан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда қўриб чиқиш чоғида, қоида тарикасида, маъруза билан сўзга чиқиш учун ўз вакилини тайинлайди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ҳам (Қонунчилик палатаси депутатларидан ташқари) қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида қўриб чиқилаётганда иштирок этиш, шу жумладан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда қўриб чиқиш чоғида, қоида тарикасида, маъруза билан сўзга чиқиш учун ўз вакилини тайинлаши мумкин»;

2) **26-модда: биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига қиритиш тўғрисидаги қарорда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили қўрсатилади, у қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида қўриб чиқиш чоғида иштирок этади. Қарорда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқиш чоғида маъруза билан сўзга чиқадиган вакили ҳам қўрсатилади (бундан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти шахсан сўзга чиқадиган ҳоллар мустасно)»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Парламент назорати тўғрисида»**ги УРҚ–403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат

аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш»;

2) **10-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«10-модда. Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш

Қонунчилик палатаси, Сенат зарур бўлган ҳолларда, ўз мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисидаги масаласи Қонунчилик палатаси томонидан фракциялар ташаббусига қўра, Сенат томонидан эса қўмиталарнинг ташаббусига қўра қўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда йилгига икки марта эшитида.

Сенат Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазирининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотини Халқаро муносабатлар, ташки иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда йилгига икки марта эшитида.

Сенат ҳар йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг **жиноятларни фош этиш фаолиятини янада такомиллаштириш** бўйича кўйидагиларни назарда тутувчи тақлифларига розилик берилсин: тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг **ёзма рухсатига асосан ва факат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш** (белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно); жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у **ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш**;

шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда яқунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат **билан холи учрашиш таъминлашиши шартлигини** белгилаш;

айбига қирдорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш. Бунда, айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйича олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг **яриямдан кўп бўлмаган** миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинлаш;

жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра **суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш** (депонирование) тартибини жорий қилиш;

ўта оғир жиноят содир этганлигида гумон қилинаётган ёки айбланётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эътиёт чорасини қўллаш масаласи қўриб чиқилаётганда **ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш**.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг **жиноят ишларини судда кўришни янада такомиллаштириш** бўйича кўйидагиларни назарда тутувчи тақлифларига розилик берилсин:

агар суд тергов вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича **барча тарафларга бериш**;

агар суд тергов вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича **барча тарафларга бериш**;

шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида қўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси

Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда **ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш**; судланувчининг жиноят содир этилишига дахли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсни аниқлаш ва айбланувчи тарикасида ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокурорга юбориш тартибини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

4. Кўйидагилар **тақиқалсин**: терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни қайриқонуний ҳаракатлар содир этишга **ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш**. Бунда, тезкор-қидирув тадбирлари натижалари фақат улар қонун талабларига асосан олинган ва шахсда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки тезкор тадбирда иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этиш учун шақлланган қасд мавжуд бўлгандагина суд ҳукмида далил сифатида тан олиниши мумкин;

шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно), уни **гувоҳ тарикасида сўроқ қилиш**, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунга қадар **ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш**;

ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда **уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш**;

суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан қўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ёки сўроқ қилиш** (улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириги мавжуд ҳоллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Шундай **тартиб ўрнатилсинки**, унга мувофиқ: терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озоқликдан маҳрум қилиш ҳолатларида жазони ўтаётган маҳкумни **тиббий кўрикдан ўтказиш**, шунингдек, вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига **гувоҳлантириш** уларнинг ёки адвокатининг илтимосномасига асосан **24 соат ичида** вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари **тарсаруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шарт**, бунда ҳаражатлар илтимоснома киритувчи тарф ҳисобидан қопланади;

оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар **ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қонда** вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтимш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик ораксида жиноят содир этган шахсларга нисбатан **қўлланмалидй**;

вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озоқликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда

тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озоқликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича **қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди**.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда **жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш** бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидан назарда тутилган ҳолларда жиноят иши бир суриштирув ёки дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилиши мумкинлигини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Миллий гвардияси қўмондони ва Давлат божхона қўмитаси раисининг алоҳида эътибори жиноят ишларининг терговга тегишлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларига **сўзсиз роя этилиши учун жиноят ишларини тергов қилиш ваколатига эга бўлган тегишли тузилмалар раҳбарлари шахсан жавобгар** ҳисобланишига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори жиноят ишларини терговга тегишлилигига оид қондаларга сўзсиз роя этилишини таъминлаш бўйича тизимли чоралар қўриб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимида яратилган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни қўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулни барча терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга уланганини ва 2021 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ ишга туширилишини;

уч ой муддатда жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва қўриб чиқиш, шунингдек, терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар:

суриштирувчи ва терговчиларни **видеотасвирга олиш воситалари билан таъминлаш**;

тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларини **тергов ҳаракатларини видеоқонференцалока режимида ўтказишда** фойдаланиладиган техник воситалар ва усуналар билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги:

2021 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлималари ва Ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармасининг фаолиятини халқаро стандартлар ва илгор ҳорижий тажрибага мувофиқ **намунавий тарзда ташкил этсин**. Бунда, уларни замонавий криминалистик усуналар билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография юритиш усуналари билан таъминлашга, шунингдек, хизмат бийосида махсус тергов ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг **ҳимоячи билан холи учрашиш хоналарининг** мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилсин;

2021 йил якунига қадар тергов бўлималарининг намунавий фаолиятини ташкил этишининг натижаларини инобатга олган ҳолда бундай тажрибани бошқа барча суриштирув ва дастлабки тергов тузилмаларида жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлиф киритсин.

ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ҚАТЛАМ – СИЁСАТ МАЙДОНИДА

Шунингдек, ёшларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичидан ҳабдардорлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини юксалтириш юзасидан янги ҳамда устувор йўналишларни

белгилашда ёшларнинг фаоллигини ошириш ва ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ҳамда меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя

лаш, одам савдоси ҳамда ноқонуний меҳнат миграциясига қарши курашишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга қўмаклашишни ўз олдига мақсад қилинди.

Ийгилишда Ёшлар парламенти Республика комиссиясининг Ёшлар

парламентига сайлов якунларни тўғрисидаги ахбороти, Ёшлар парламенти раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш ҳамда мазкур тузилманинг қўмиталарини тузиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Жамшид Бобоев Ёшлар парламенти раиси, Шахноза Жолдасова ва Дийёр Чингўлатов раис ўринбосарлари этиб сайланди.

Ийгилиш кун тартибига кўра, Ёшлар парламентининг қўмиталари тузилиди ва уларнинг раислари сайланди.

Ёшлар парламенти аъзоларига 2020 йил 12-13 август кунлари ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган ишон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми ўтказилиши, ушбу форумда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш учун халқаро ҳамда минтақавий восита ва механизмларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилиниши айтиб ўтилди. Форум доирасида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳасини муҳокама қилиш режалаштирилгани боис Ёшлар парламенти аъзолари ушбу форумга тақлиф қилинди.

Ийгилишда янги ташкил этилган Ёшлар парламентининг мақсади, ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш, Олий Мажлис палаталари қўмиталари билан ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш, уларнинг қонунчилик ҳамда парламент назоратини амалга ошириш жараёнларида қатнашишга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Таъсис йиғилишида Ёшлар парламенти ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни маданият, санъат ҳамда спортга кенг жалб этиш, уларда замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш қўникмасини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ўз ичига олиши зарурлиги белгиланди.

Тадбирда билдирилган тақлиф ва тавсиялар, мулоҳазалар ҳамда сайлов жараёнида келиб тушган тақлифлар асосида Ёшлар парламентининг иш режасини ишлаб чиқиш белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

«ЁШ СУДЬЯ АЁЛЛАР МАКТАБЛАРИ»НИ ОЧИШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

Тадбирда аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасида суст иштироки сабаблари ва уни бартараф қилиш чоралари ҳақида сўз юритилди, бу йўналишда айрим хориж давлатларининг тажрибаси қўриб чиқилди.

Хусусан, юридик соҳага ихтисослаштирилган ўқув юртларининг аёл талабалари сонини ошириш орқали гендер тенгсизликка барҳам бериш, бундай ўқув юртларининг таълим дастурларига талабалар учун гендер масалаларига оид машғулотларни тизимли киришти лозимлиги айтиб ўтилди.

Бошқа юридик қасблар ва тузилмаларда хотин-қизларнинг иштирокини ошириш ҳамда ҳуқуқшунос аёлларнинг ўзаро мулоқотини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, хотин-қизлар учун судья қасбнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида меҳнат шaroитларини яхшилаш, судьяларни танлаш ва тайинлаш учун масъул бўлган органлар ҳамда тегишли механизмларда қевоталар тизимини киритиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда иштирокчилар томо-

нидан хотин-қизларнинг суд тизимида иштирокини ошириш, хусусан, юртимиздаги юридик олий ўқув юртлари ҳузурида «Ёш судья аёллар мактаблари»ни ташкил этиш, улар фаолиятига таниқли ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи мутахассисларни жалб этиш тақлифи илгари сурилди.

Мулоқот қатнашчилари билдирган тақлиф ва фикр-мулоҳазалар асосида қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

СИНОВЛИ КУНЛАРДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АҲОЛИ УЧУН ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг видеоқонференцалока шаклидаги навбатдаги эшитиув бўлиб ўтди. Унда тижорат банклар томонидан ҳудудларда аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда банк хизматларининг ҳудудий қамровини кенгайтириш борасида 2020 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар бўйича ахборотлар берилди.

Қўмита эшитуви

Таъкидланганидек, бугунги пандемия шароити банкларимизга юксак масъулият юклатди. Ушбу масъулият банкларни инқироз шаъсияга тезроқ мослашишга, ма-софавий хизматларни ўзлаштириш-га ҳамда трансформация жараёни-ни жадаллаштиришга ундамоқда.

Халқ банки берган ахборотга кўра, банк фаолиятини трансфор-мация қилиш бўйича айти кунга қадар бир қатор сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, янги инновацион банк хизмат турлари-ни жорий қилиш ҳамда масофа-дан ишлаш тизимини ривож-лантириш борасидаги ишлар жа-дал суръатларда олиб боришмоқда.

Шунингдек, банк томонидан ажратиладиган кредитлар бир ҳил турдага қўриб чиқилиб, кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилиш жараёни стандарт кредит-ларга «кредит модули» орқали ўртача 5 — 10 дақиқа ичида авто-матик рўқсат бериляпти. Бугунги пандемия шароитидаги қарантин даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш

учун 16 та янги инновацион банк хизмат тури амалиётга жорий қилинган бўлиб, биргина «UzPay» миллий тўлов тизими орқали Ўзбекистоннинг исталган нуқтаси-дан туриб, хоҳлаган миқдордаги пул маблағларини нақд ҳамда нақдсиз шаклда тез, хавфсиз ва арзон нархларда жуънашти им-конияти яратилган.

“Микрокредитбанк” томонидан 2020 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектла-ри ҳамда аҳолига ажратилган 1 374.5 млрд. сўмлик кредитлар эвазига 12 300 га яқин иш ўрин-лари ташкил этилган. Шунингдек, микрозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида бир хил турдаги чакана кредитлар ажратишда 8 босқичли амалиёт-лар қискартрилиб, 3 босқичга туширилиши натижада кредит-нинг уч кун ўрнига бир соат ичида ажратилиши йўлга қўйил-ганлиги эътироф этилди.

Шунингдек, эшитувда «Агро-банк» томонидан қишлоқ жойла-

ридаги аҳолининг даромад ман-баини шакллантириш ва ўзини ўзи банд қилишга мўлжалланган кре-дит турлари жорий қилингани де-путатлар томонидан эътироф этил-ди. Банк томонидан 2020 йилда 1,4 млрд. доллар (13,3 трлн. сўм) кредит ажратиш режаси ишлаб чи-қилган ва шу йилнинг 6 ойида иқтисодийётини турли йўналишла-рига жам 11,1 трлн. сўм кредит-лар ажратилди.

Қўмита эшитуви давомида ти-жорат банклари вакиллари ишти-рокчиларнинг банк фаолияти бил-лан боғлиқ саволларига батаф-сил жавоб берди. Хусусан, депу-татларнинг аҳоли билан мулоқоти давомида қўрилаётган масала-лар, яъни тадбиркорларнинг ай-ланма маблағларга олинган кре-дит муддатларини 18 ойдан 30 ай-гача узайтириш, “лойихалар фаб-рикаси”ни татбиқ қилиш ва хори-жий кредитларнинг фойиз ставка-ларини ўзгартариш тўғрисидаги саволлар шулар jumласидан. Шу-нингдек, тижорат банклари таъ-лим кредитларини ажратишда таъ-лимда аҳолига имтиёзлар яратиш учун «Ёшлар — келажакимиз» жамғар-масининг компенсация механиз-мини қўллаш бўйича ҳуқуққа би-лан ҳамкорлик қилиши лозимлиги қайд этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

Сўз — Ёшлар парламенти вакилларига

Жамшид БОБОЕВ, Ёшлар парламенти раиси:

— Ёшлар парламенти тажрибаси жаҳон сиёсий майдонида мавжуд ва у Ўзбекистон қонунчилик тизимига ҳам кириб келди. Бунинг натижасида ёшларимиз ўзининг сиёсий ҳамда иқтимоий ташаббуслари-ни ушбу сиёсий институт орқали амалга ошириш им-кониятига эга бўлади. Ёшлар-нинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қўмаклашиш, мавжуд муаммоларини бартараф этишга қаратилган тақлифлар тайёрлаш, уларнинг илм-фан, ҳуқуқий саводхон-лик, иқтимоий фаоллик, тадбиркорлик ва ёшларга оид барча соҳадаги билим ҳамда имкониятларини қўллаб-қувватлаш олдимизда турган асосий мақсадимиздир. Ёшлар парламенти ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга, ёшларимизнинг жаҳон майдонла-рида муносиб ўрин эгаллашларига замин яратди.

Шахноза ЖОЛДАСОВА, Ёшлар парламенти раис ўринбосари:

— Бугунги кунда биз, ёшларга амалга оширилаёт-ган ислохотларда фаол ишти-рок этишимиз учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда. Чун-ки, Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси мажлислари-да ёшларнинг иштирокини ва депутатлар ҳамда ёшлар ўрта-сида доимий мулоқотни таъ-минлашга алоҳида эътибор қаратилган. Қонунчилик пала-таси ҳузурида ташкил этил-ган Ёшлар парламенти эса мана шу ўзига хос муноза-ра ва таҳлил майдонини ўзида mujжасамлаштиради.

Ёшлар парламентининг аъзолари мана шу майдондан унумли фойдаланишни, жамиятда ёшларни сиёсий фаол қатламга айлантириш ҳамда қабул қилинаётган қонун-ларни ёшлар орасида кенг тарғиб этиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

Хўршид БОТИРОВ, Ёшлар парламентининг Туризм ва халқаро масалалар қўмитаси раиси:

— Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Креатив фикрлайдиган, фаннинг муайян соҳасида чуқур билимга эга, юқори интелектуал

салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш устувор мақсади-миз. Эътироф этиш керак, мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ҳамда им-кониятларни яратиб бериш бо-расида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳам

СЎХДА ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

Яширишга не ҳолат, яқин-яқингача туманимиз аҳолиси орасида бир қарашда заёт этиш осон бўлмаган жуда қийин "довон"лар бор эди. Бу аслида дунёқарашимиз, ҳаётга муносабатимизни ислоҳ қилиш билан боғлиқ мураккаб "довон"лар эди, десак, асло муволажа бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ҳамда қарорда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ҳар бир сўхликнинг дунёқарашини буткул ўзгартириб, фуқароларимизда бугунги ҳаётдан розилик, эртанги кунга муштаҳам ишончини янада кучайтирмоқда, десак, аниқ ҳақиқат.

Туманда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалигида истиқболли лойиҳаларни амалга

ошириш, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда коммуникация тармоқларини янгилаш ва яна бошқа қатор йўналишларда устувор вазифалар белгилангани эътиборга молик. Бу, энг аввало, Ўртбошимизнинг одамлар ислохотлар самарасини эртага ёки узоқ келажақда эмас, балки бугун ўз ҳаёти мисолида кўриши ва ҳис этиши керак, деган ҳаётбахш сўзларига ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча эзгу ишларнинг замирида, аввало, инсон манфаати муҳассам. Бугунги ободлик, фаровонлик, бунёдкорлик ишларининг ҳақиқий манзараси шаҳарларимизнинг янгилаётган қиёфасида аққол намён бўлмоқда. Сўх туманида янги ҳаёт нафаси марказдан тортиб,

энг чекка ва олис ҳудудларгача етиб борди. Табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш, қир-адирларда мевозор боғлар ташкил этиш, истиқболли инновацион лойиҳаларни рағбатлантириш каби юмушларда каттаю кичик юртдошларимиз гайрат-шижоат кўрсатмоқда. Бу эзгу ишлар натижасида Сўх янада қиёрий очиб, жаннатмонанд юртимизнинг кўркем масканларидан бирига айланади.

Мухтасар айтганда, туманимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берган масқур қарор билан халқимиз фаровонлиги янада юксалади, обод турмушини яратиш борасида янги раҳ, янги раҳ қиёфа касб этиб, бу янгилаш ва ўзгаришлар, шубҳасиз, тарих солномаларидан муносиб жой эгаллайди.

Маъсуджон ЖУМАЕВ,
халқ депутатлари Сўх тумани
Кенгаши депутати.



Мария Филипова:

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ЧЕКСИЗ ГАПИРИШ МУМКИН!

Болгариялик ёзувчининг Ўзбекистонга оид китоби нашрдан чиқди.

Болгариялик таниқли ёзувчи Мария Филипова Хаджининг Ўзбекистонга бағишланган "Тўртинчи устун" номли китоби нашрдан чиқди. Китоб болгар тилида Пловдив шаҳридаги "ИМЕОН" нашриётида чоп этилди.

Ёзувчи ушбу асарини 2018 йили Ўзбекистонга сафаридан кейин ёза бошлаганди. Уша йили у "Ўзбекистонда чет эллик ёзувчи ва рассомларнинг резиденцияси" мустақил дастурининг илк иштирокчиси бўлган.

Айни пайтда ушбу асар рус тилига таржима қилинаётди. Муаллиф китоб ўзбек ва инглиз тилларига ҳам таржима бўлишини жуда истади. "Асар бош қаҳрамони бутун ҳаёти давомида ота-боболари юрти бўлмиш Ўзбекистонга талпиниб яшайди, турмушдаги ҳар бир ишора уни Марказий Осиёга йўналтираверади. Асардаги кўп воқеа-ҳодисалар уйдирма эмас, аниқ ҳақиқатдир", дейди у.

Мария Филипованинг ўндан ортик китоблари нашр этилган, асарлари чет тилларига, жумладан, ўзбек тилига ҳам ўтирилган. У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олган, 1991 йили Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган адабий кечаларда фаол иштирок этган.

Қийда Мария Филипованинг мухбиримизга берган интервьюси билан танишасиз.

— Яқинда Ўзбекистонга бағишланган "Тўртинчи устун" романнингиз дунё юзини кўрди...

— Ҳа, роман болгар тилида босилди. Мен ун рус тилига таржима қилиб, журналист ва таржимон Нодира Абдуллаевага тахир қилиш учун топширдим. Умид қилманки, у ўзбек ва инглиз тилларига таржима қилинади, ўқувчилар сафи кенгайди.

— Китобда айнан нима ҳақида сўз боради?

— Буни бир неча сўз билан таърифлаш қийин. Романда бошдан охиригача "ип бир нуктадан ўтади", яъни ҳаммаси Ўзбекистонга бориб тақалади. Қандайдир кўзга қўринмас, гайритабiiй кўч бош қаҳрамон аёлни Урта Осиёга етаклайди. У шунчаки ўзининг одатий ҳаёти билан яшайди, аммо ҳар доим гайритабiiй равишда Ўзбекистон ҳақида эслатаверадиган ишоралар пайдо бўлаверади. Гарчи у болалигида бу ўлка ҳақида ҳеч нарса билмаса-да, бироқ бутун ҳаёти йўлида галати ишораларни учратаверади. Китобда саёҳат бор, мистика, қалб сирларига, болгарларнинг тарихий илдишларига йўл қидириш, ҳаёлот ва реаллик ўртасида алоқа ҳамда бошқа кўплаб унсурлар борки, улар дунё бўйлаб сафарга чиққан Жамила ва Мая билан бирга кечади. Агар 2018 йилда Ўзбекистонга, "Чет эллик ёзувчи ва рассомларнинг резиденцияси" биринчи тадбирида иштирок этмаганимда балки ҳаётимда бу қадар катта ўзгариш бўлмасмиди, деб ўйлаб қоламан. Ушунда тақдир менга бутун ҳаётим Ўзбекистон йўлларида талпиниб ўтганлигига ишора қилди, аммо буни мен ўшанда ҳали билмасдим. Мана, няхот, "эшик очилди", ўзимнинг миссиямни, одамларга булар ҳақида ҳикоя қилиб бериш борасидаги вазифамни англадим.

Албатта, асарда кўп нарсалар ҳақида сўзлаб беришни хоҳлагандим, бунинг учун кўплаб қаҳрамонлар бўлиши, китоб саҳифалари ҳам "қалинлашиб" кетиши мумкин эди, шунинг учун Жамила — умумий аёл образи ўйлаб топилди. Дарвоқе, бир нарсани унутай дебман, ҳатто талабалик йилларимда Жамила ҳақида, ўзимнинг севилими образим ва исми ҳақида шеърлар ёзганман. Аммо роман давомида Ўзбекистонга олиб борадиган узун йўл ҳақида сўз кетади. Биз ахён-ахёнда ёки бутунлай пайкамайдиган тақдир белгилари. Худо эса бизга барчасини чизиб берган. Худо бизга ақл берди, сўнгра ишоралар қўйди — биз эса уларни ҳаётимиз давомида пайқашимиз, рия қилишимиз ва қоидаларга кўра яшашимиз лозим. Мени 2018 йилнинг октябрида ёзувчиларнинг халқаро дастурига таклиф этишмагунча (бу ишораларни кўрган бўлсам-да), улар ҳақида ўйламаган эдим. Айнан ўшанда ҳали болалигимда қис қилган ва бутун ўтган умрим давомида менга ҳамоҳиқ қилган барча ишораларни эслашимга тўғри келди. Албатта, ҳамма жумбоқча ечим топишдан йўқ, лексин шунга уриндим. Жумбоқлар жавобини ўз тасаввурим билан

тўлдирдим. Хуллас, романини диққат билан ўқисангиз, ҳаммаси аён бўлади.

— Сизни бу романни ёзишга нима ўндади?

— Қисқача айтсам: мақсад — Ўзбекистонни бутун дунёга бор бўйи билан кўрсатиш ва олам ахлига бу сеҳрли диёр ҳақида ҳикоя қилиш! Биз ҳаётда кўп мувоҳазаларга дуч келамиз. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида китоб ёзишга, фильм ишлашга муносиблигига ишонади, аммо бу ҳар доим ҳам ўзига боғлиқ бўлмайди. Мен 2018 йили Ўзбекистонга келганимда бу сеҳрни тақдоран бошдан кечирдим, олдин бу ерда талаба сифатида ўқиганимда илк бор бошдан ўтказганман, шунда ортага назар ташладим, беҳитиёр 9 ёшлик пайтимида рўй берган хотиралар ёдга келди (бу ҳақда дўстларимга кўп марта сўзлаб берганман, бу уларнинг меъдасига тегиб кетган).

Бир пайтлар мактаб кутубхонасида мўъжаз китобча — жигарранг саҳифали "Ўзбек халқ эртаклари"ни топиб олдим. Бу менинг Ўзбекистон билан биринчи учрашувим эди! Шунда "Ўзбек халқи" деган иборага тушунмадим ва онамдан сўрадим. У менга ўзбек деган улуг халқ борлиги ва бу эртаклар ўша халқ ҳақида эканини тушунтириб берди (бу ҳақда талабалик йилларимдаги шеърларимда ҳам ёзганман). Ушунда китобдаги чопон қийган одамлар, белида белбоғи бор пахлавонлар, ўрилган узун сочлари дўпписининг остидан қизиб, шамолда ўйнаб турган қизалоқлар суратлари чуқур таассурот қолдирган. Мен учун расмларнинг ўзи ҳам тирик эртаклар эди. Бу манзаралар бир умр хотирамда қолган.

Вақт ўтиб болалик эртакларини буткул унутдим. Аммо вақти келиб турмушга чиқдим ва турмуш ўртоғим Санкт-Петербургда талабаликка имтиҳон топширган бўлса ҳам, уни Тошкентда қабул қилишди. Бу ерга йўл келганимда, Осиёча мухитни кўрганимда ўша болалик эртаклари яна ёдимга тушди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида проректор мендан нима учун ўқишга Москвага бормаганимни сўраганида "болалигимдаги эртакларни Ўзбекистонда ўқишни давом эттиришни хоҳлайман" деб жавоб қайтарганим хануз эсимда.

Европанинг турли мамлакатларида яшаб, ишласам-да бу ерларда ҳам менга қадрдон бўлган, азиз бўлган нарсаларни ёдга солиб юборадиган Урта Осиёлик одамларни учратавердим!

2018 йили дўстларим Жорж Трак ва Любозор Фратев билан Ўзбекистонга таширф буюриб, ортга, Болгарияга қайтаётганимизда самолётда йўлғамдм, уларнинг кўзида эса сўз билан ифодалаб бўлмайдиган кўп нарсани кўрдим — биз гўёки ўз Ватанимизга учайётган эмас, Ватанимизни тарқ етатгандек эдик. Мана, ўшанда Ўзбекистонни қандай ҳис қилганман! Бутун йўл давомида ҳаёлимда у айланарди — мен китоб ёзишга қарор қилдим. Ҳа, Худо ўз усуллари билан бизга шундай ишора беради.

Ишонаман, қалбим болгарларники, менда аҳждоларимнинг энергия-

си жамланган ва лекин ҳаёт мени Ўзбекистонга тортаверади. Бу муҳаббат қаердан? Ким билсин, балки мен Осиёликдирман, ҳатто юзимида Осиёча физиономия фуфуриб турибди, кўк кўзларимни ҳисобга олмаганда бу узоқдан кўриниб туради! Яна нимадир бор: эс-хуши жойида ҳар бир инсон ўз Ватанини севиши табиий. Жумладан, мен ҳам. Ватаним — Болгария ҳақида муҳим воқеаларни ўқиганда кўзимга ёш келади. Хўш, марҳамат қилиб айтингчи: нега Ўзбекистон ҳақида эшитганимда ҳам йилғайман? Нима учун? Билмайман.

Грециянинг Тессалиясида бир аёл билан грек тилида гаплашдим. Мен унда русча талаффузини ҳис қилиб, қаердан эканлигини сўрадим. Тошкентдан эканлигини айтиши билан кўзимда ёш қалқди. Бундай ҳолатни кимдир тушунтириб бера оладими? Бу бир марта бўлмаган — ҳар доим! Сиз китобда ҳаётим давомида ҳар доим Ўзбекистонни ёдга солидиган одамларни йўлда учратганим ёки нимадир содир бўлганини ўқийдигиз мумкин.

— Эшитшимизча, Тошкентда таълим олган пайтингизда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантаналарида фаол иштирок этгансиз.

— Ўртингизда ўтган ҳаётим гўзал хотиралари билан қадрли. Эсимда, Ўзбекистон ҳақида, унинг ўтмиши, бугунини ўрганишни жуда охлардим. Ушунда кун воқеасини, кун мавзусини билиш учун бир неча газета сотиб олдим. Унда ёзилишича, Алишер Навоий юбилейи кенг нишонланмоқда экан. Ёш эдим, Алишер Навоий номини эшитган бўлсамда, кўп нарса билмасдим. Дарҳол кутубхонага бордим. Улуг мутафаккир ҳақида керакли маълумотларни ўқидим. Асарлари билан танишиб, улардаги гоҳ ҳаётнинг мазмун-моҳияти ҳақиқалигини англадим. Буюқ шоирга бағишлаб ёзган шеъримни кичкина совға сифатида Тошкентдаги Ёзувчилар уюшмасига олиб келдим. Ушунда шоир Чоршам Рўзиев бу шеърни ўзбекчага ўйрган.

Шу шеър билан мени Чирчиқ шаҳрида Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши маросимига қатнашимга таклиф этишди. (Уша ерда қарнайни биринчи марта кўрганман!) Биласизми, ўшанда қадимий аҳждоларимиздан табриқ қабул қилгандек бўлдим, муҳит менга шундай туюлди!

Сўнгра ўзбек телевидениеиси Алишер Навоий юбилейига бағишланган сафарлар уюштирди ва ижодий гуруҳ мени тарғибот поездларида бирга юришга таклиф этди. Навоий шаҳридаги кечани ҳеч қачон унутмасам керак, йиғилганларга: "Ассалому алайкум, азиз дўстлар!" деб муҳожат қилганимда барча ўрнидан туриб, қарсақ чалганди.

Бир болақай менга гуллар ҳады қилган, қувончдан йиғлаб юборганман, бу суратни ҳамон сақлаб қолмаман. Умуман олганда, сизга айтиб бераётганларим — булар оддий воқеалар эмас! Улар биз тушунишимиз керак бўлган Худонинг ишоралари: нега булар содир

«Халқ сўзи».

ТЕСТ СИНОВЛАРИНИНГ СТАДИОНЛАРДА ЎТКАЗИЛИШИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 6 август куни ўтказилган йиғилишда мутасадди вазирлик ва идораларга жорий йилги қабул имтиҳонларини пандемия шароитларида келиб чиқиб, стадионларда ўтказиш, ўйингоҳларни тест синовларига пухта тайёрлаш, уларнинг дислокацияси бўйича абитуриентларни тўлиқ хабардор қилиш юзасидан кўрсатмалар берганди.

Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, бу йил олий таълим муассасаларига тест синовларини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари қандай кетаётгани ҳақида атрофлича маълумот олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Мажид КАРИМОВ билан суҳбатлашдик.

Бизнинг суҳбат

— Мажид Маликович, суҳбатимиз аввалида тест имтиҳонларини ўтказиш учун неча айнан стадионлар танлангани ҳақида изох бериб ўтсангиз. Бунда қайси омилларга таянилди?

— Бу йил ҳеч қачон бўлмаган, яъни аввалгига нисбатан 40 фоиз кўп — қарийб 1 миллион 484 мингдан зиёд абитуриентлар рўйхатдан ўтказилди. Улардан 1 миллион 361 мингдан зиёди тест синовида иштирок этиши кўзда тутилган. Пандемия шароитини ҳисобга олиб, мана шундай катта кон-тингентдаги абитуриентлар учун тест синовларини сифатли ташкил қилиш олдимизда турган муҳим масала саналади.

Президентимиз 6 август куни ўтказган йиғилишда ёпиқ бинолар эпидемиологик талабларга жавоб бермаслигини, ижтимоий масофага риоя қилинган тақдирда имтиҳонлар вақти анчагача чўзилиб кети-шини инобатга олиб, 2020/2021 ўқув йили учун тест синовларини Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят-лар марказларидаги очик стадионларда ўтказиш бўйича топшириқ берди. Абитуриентлар учун жорий йилги олий ўқув юртиларига қабул имтиҳонлари 2 сентябрдан бошлаб ташкил этиладиган бўлди. Август ойи мобайнида мамлакатимиздаги 40 га яқин стадионни тест жараёнларига тайёрлаш бўйича ташкилий иш-лар олиб борилади.

Энди нега айнан стадионлар танланганига келсак. Бунинг учун ҳар бир ҳижат эътиборга олини-ди, ҳорижий давлатлар тажрибаси обдан ўрганилди. Масалан, бу йил Хитой Халқ Республикасида 10 миллион 700 минг абитуриент тест синовларида иштирок этди. АҚШда 4,5 миллиондан ортик абитуриент имтиҳонларда қатнашди. Туркияда 2,5 миллионга яқин абитуриентлар тест синовини топширди. Уларнинг тажрибасини кузатиш, кўрдиш, ўрганиш. Энг кўп абитуриент имтиҳон топширган Хитойда ҳам тест синовлари очик стадионларда ўтказилди. Уларда ҳар бир абитуриент учун уч квадрат метрдан зиёдрок жой ажратилди. Бизда эса абитуриентларнинг сало-матлигини ўйлаб, стадионларда уларнинг ҳар би-ри учун 6 квадрат метр масофага жой ажратиш кўзда тутилмоқда. Пандемия шароитида очик майдонларда тест топшириш эпидемиологик хавфсизлиқни таъ-минлашга ёрдам беради. Чунки ташқарида табиий вентиляция мавжуд.

— Сентябрь ойининг биринчи ўн кун-лиги ҳам нисбатан иссиқ бўлиши табиий. Бу абитуриентларга нуқоулиқ тугдирмайди? Ҳар ҳолда ёпиқ иншоот-ларда қўйш нури тушмайди, совиткичлар-дан фойдаланиларди...

— Албатта, бу ҳисобга олинган. Шу боис имти-хонлар кунига 2 маҳал ўтказилади. Биринчи смена 08:00 да бошланса, 10:00 да тамом бўлади. Иккинчи смена эса 17:00 да бошланиб, 19:00 да тугайди. Куннинг бу пайтида ҳаво салқин бўлади. Қолаверса, бунда стадионларга қачон ва қанча вақт соя тушиб туриши каби ҳижатлар ҳам инобатга олинмоқда. Абитуриентларга табиий буюмлардан ташқари бош кийим (оқ кепка) ҳам тарқатилди. Бу уларни иссиқ-дан асрашга ёрдам беради. Шунингдек, абитуриент ўтирадиган ҳар бир столга соябонлар қўйилиши ма-саласига ҳам эътибор берилади.

— Нима учун тест синовлари уч соат-дан икки соатга қисқартирилди?

— Ҳар йили тест синовлари учта фандан ўтказил-ган ва учта фанга уч соат вақт берилган. Бу йилги тест синовлари икки фандан ўтказилмоқда. Абути-риентлар 2 та фандан ҳамми 60 та тест саволига жавоб топади. Шароитдан келиб чиқиб, қўшимча фан-лар олиб ташланди. Бундан ташқари, тест матери-аллари анча соддалаштирилган ва осонлаштирил-ган. Тест саволлари китобидаги саволлар тўртта му-раккаблик даражалари асосида шакллантирилади. Улар ҳам пропорция асосида тақсимланарди. Биз бу йил имкон қадар мураккаб саволлардан воз кечдик. Бунда пандемия туфайли ўқинишнинг масофавий шаклга ўтказилгани ҳисобга олинди. Чунки масофа-вий таълим барибир анъанавий таълим даражасида-ги сифатни таъминлай олмайди. Қолаверса, абитуриентларнинг тайёрлов курслари, репетитор-ларга борамай қолгани билан боғлиқ ҳижатларни ҳам инобатга олдик.

— Абитуриент тегишли ОТМ учун тест синовлари ўтказиладиган муайян жойни белгиланган бўлса, бироқ бошқа ҳудудда ташкил этилган жойга бориб, тест топи-ра олдим?

— Ҳар бир абитуриент тест топшириш жойи си-фатида қаерни қўрсатган бўлса, тест синовларини ўша жойда топширади. Давлат тест маркази база-даги маълумотни ўзгартариш ҳуқуқига эга эмас.

— Бу йил имтиҳонларнинг ҳаққоний ва шаффоф ўтишига қай даражада эътибор қаратилмоқда? Ҳар ҳолда бу йилги тест имтиҳонлари аввалги йилларга қараганда янги шароитда — ёпиқ иншоотларда эмас, балки стадионларда ўтказилмоқда. Ста-дионлардаги шароитлар бу талабларга қай даражада жавоб бера олади?

— Бу йил ҳам тест имтиҳонлари ёпиқ иншоотлар-да бўлгани каби шаффофлик таъминланган ҳолда ташкил қилинади. Абитуриентларни киритишда ва шахсини аниқлашда шахсини идентификациялаш во-ситалари (видеофиксация, бармоқ изи сканери)дан фойдаланилади. Стадионларда кузатув камералари, албатта, бўлади. Ҳар бир абитуриент ва кузатувчи-нинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати тасвирга олинади ва телевидение орқали бериб борилиши таъминланади. Бир абитуриентнинг ўрнига бошқа абитуриент кириб қолишга йўл қўйилмайди. Ҳар бир стода абитури-ентлар учун жавоб варақасини тўлдирish бўйича кўрсатмалар бўлади. Стадионлар табиолар, овоз ку-чайтиргичлар билан таъминланади, тест вақти қанча тугаши ҳақида маълумот олиб туриш учун шароит яратилади.

— Давлат тест маркази тест синовида қатнашадиган назоратчи ва кузатувчилар-нинг барчасини бодий-камералар билан таъминлаш бўйича тақлифлар тушмоқда. Бу тақлифлар инобатга олинадими?

— Биз, албатта, бу бўйича Республика махсус комиссиясига тақлиф қиратамиз. Тест синовлари-нинг шаффоф ўтиши, кейинчалик имтиҳон жараёна-лига тааллуқли бирор муаммонни муҳокама қилишга тўғри келиб қолса, асос ва ибоблар керак бўлиши нуқтаи назаридан, буни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

— Пандемия билан боғлиқ вазият ту-файли абитуриентларнинг хавфсизлиги қандай таъминланади?

— Абитуриентлар махсус дезинфекцион йўлакдан ўтади, уларга табиий никоблар, қўлқоплар берилади ҳамда антисептик воситалар ишлатилади. Қолавер-са, стадионда абитуриентлар ўтирадиган столлар-нинг имкон қадар бир-бирдан узоқроқ масофада бўлиши таъминланади. Бу ҳар қандай ҳолатда аби-туриентлар, назоратчи ва кузатувчиларнинг саломат-лигини таъминлашга қаратилган.

Тест синовларидан олдин стадионларда барча де-зинфекция чоралари қўрилади. Абитуриентлардан им-тиҳон куни ўзи билан фақат паспорт ҳамда ДТМ ҳужжатини олиб келиш талаб қилинади, холос.

— Абитуриент тест синовларига келган вақтида иситмаса юқори бўлса, қандай чора қўрилади?

— Абитуриент тест синовларига келган вақтида иситмаса юқори бўлса, шифокорлар томонидан те-гишли равишда текширув ташкил этилади. Агар унда коронавирус инфекцияси аниқланмаса, тест сино-влари тугаган, 4 кундан кейин қайта ташкил этилади-ган имтиҳонда қатнашиш имконияти берилади. Ко-ронавирус аниқланган абитуриентлар эса бу йилги тест синовларига қўйилмайди. Зеро, ушбу инфекция билан касалланган абитуриентлар имтиҳонда қатнашиши учун коронавирусдан буткул сояйган бўлиши лозим.

Коронавирусга чалингани туфайли қабул имтихо-нида иштирок эта олмаган абитуриентларнинг тест си-нови учун тўлаган пулларини қайтариш чоралари қўриломоқда. Давлат қабул комиссияси баённомаси-га ушбу масала бўйича тақлиф қиритилган.

— Абитуриентлар ДТМ ҳужжатини қачон олади?

— Тест синовларидан ўн кун олдин Давлат тест марказининг сайтида ҳар бир абитуриентнинг шахсий кабинетига ДТМ ҳужжати қўйилади. Ҳар бир абитуриент рўйхатдан ўтганда кўрсатган телефон рақамига бу ҳақда хабар берилади.

— Тест синовии натижалари қачон эълон қилинади?

— Натижаларни эълон қилишда ўзгариш бўлмай-ди. Абитуриентнинг тест синовида тўлаган баллари ҳақидаги маълумот тест синовии ўтказилган куннинг эртасига, унинг талабалика тасвия этилгани ёки этилмагани бўйича белгиланган тартибда тасдиқ-ланган танлов натижаси тест синовлари ўтказиш жа-раёни тўлиқ аяқланганидан кейин бир ҳафта муддат ичида Давлат тест марказининг расмий веб-сайти-да эълон қилинади.

Шаҳзода ҒАФҒОРОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сарлов комиссияси Марказий сарлов комиссиясининг собиқ аъзоси	Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамятига жамоаси жағият ҳодимлари Мухаббат Жураева ва Дилфуза Васиевага онаси
Ёқуб ФАТТОВЕВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.	Турсуноий ВАСИЕВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.
Тошкент давлат иқтисодий университети ректорати ва Қасаба уюшма қўмитаси институтининг Молия кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган халқ маорифи ҳодими	Тошкент кимё-технология институти жамоаси Юқори молекулали бирикмалар ва пластмасса технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори
Фазилдин ШАМСУТДИНОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.	Фарҳод МАГРУПОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир